



Закия НАРИМБЕТОВА,

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

E-mail:z.narimbetova@csri.uz

Физика-математика фанлари доктори Турсунов И.Г. тақризи асосида

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ГЕОМЕТРИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ МЕЪЕРИЙ ФАКТОРЛАРИ

Аннотация

Мақолада умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишнинг меъёрий факторлари таҳлил этилган ва мазкур масала бўйича методик тавсиялар берилган

Калит сўзлар: умумий, ўрта, таълим, мактаб, Геометрия, фан, ўқитиш, билим, кўникма, малака, фактор, меъёр.

НОРМАТИВНЫЕ ФАКТОРЫ ОБУЧЕНИЯ ПРЕДМЕТА ГЕОМЕТРИЯ В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛАХ

Аннотация

В статье анализирован нормативные факторы обучение предмета Геометрия в общеобразовательных школах и дана методические рекомендации по данному вопросу.

Ключевые слова: общей, средней, образование, школа, геометрия, предмет, обучение, знание, навыка, умение, факторы, нормативные.

METHODS OF TEACHING GEOMETRY IN GENERAL SECONDARY SCHOOLS

Annotation

The article analyzes the normative factors of teaching geometry in general secondary schools and provides methodological recommendations on this issue.

Key words: general, secondary, education, school, geometry, subject, teaching, knowledge, skill, ability, factor, norm.

Кириш. Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилиш ва унинг сифат самарадорлигига эришиш жараёни кечмоқда. Бунда ўкув фанларини ўқитишни замонавийлаштириш, уларнинг методикасини янгилаш ва ўкувчиларнинг ўзлаштиришини назорат қилиш вазифалари мухим ўрин тутади. Шу жиҳатдан умумий ўрта таълим мактабларида, жумладан, 10-11 синфларда Геометрия фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш ва бунда ахборот-коммуникацион технологиялари имкониятларига таяниш долзарб бўлиб туриди. Бу борада янгича ёндашувларни ишлаб чикиш, фанни ўқитишнинг методологик асосларини кучайтириш тақозо этилади. Мазкур ўринда эътиборингизни умумий ўрта таълим мактаблари 10-11 синфларида Геометрия фанини ўқитишнинг меъёрий факторлари таҳлилиги тортамиз.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (*Literature review*). 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистон стратегияси”да фаровон хаёт, инсон кадрларнадиган жамият ва халқпарвар давлатни барпо этишда илм-фанга асосланиш асосий вазифа сифатида белгиланган[1]. Чунки мамлакатимизнинг ҳозирги инновацион ривожланиши босқичида илм-фан ютуқлари ва улар асосида ишлаб чиқиладиган тажрибаларга таяниш мухим аҳамиятга эга. Бунда асосий эътибор қўйидагиларга қаратилаётганлиги билан дикқатни тортади:

ёш авлодни инновацион ривожланиш жараёнида барча туркумдаги фанлар бўйича билимли, саводхон ва амалий кўникмали шахслар сифатида вояга етказиш;

ўкув фанларини қисқа муддатларда ўзлаштирилишига эришиш ва бунда ўзлаштирганларни амалиётда кўллай олиш кўникмаси билан куроллантириш;

умумий ўрта таълим босқичида ёк фанлар туркумларининг асосий мазмунларини ўзлаштириш ва бу борода шахсий сифатларни эгаллаш;

ўкувчиларнинг назарий билимдонлик ва амалий кўникмалик сифатларига эга бўлишини таъминлаш.

Бундай ёндашув умумий ўрта таълим мактаблари ўкувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини давлат таълим стандартлари ҳамда малака талаблари асосида шакллантириш имконини беради. Чунки бугунги кунда инновацион иқтисодиёт шарт-шароити шахснинг таянч билимларга эгалигини рағбатлантиради. Негаки, бундай шароитда янгиликлар кўп бўлиб, таълим ва тарбия жараёнида ҳам ўзгарувчанлик хусусиятлари яшовчан бўлиб бормоқда. Шу жиҳатдан умумий ўрта таълим мактабларида Математика туркумидаги, жумладан, Геометрия фанини ўқитишнинг методикасини янгилаш бориш, ривожлантириш ва бу жараёнга янги асосдаги методикаларни жорий этиш долзарб бўлиб туриди. Мазкур масалалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “2020-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида Математика фанлари бўйича таълим сифатини яхшилаш, илмий-тадқиқотларнинг натижадорлигини ва амалий аҳамиятини оширишнинг мақсади Дастури”да ҳам белгиланган[2].

Тадқиқот методологияси (*Research Methodology*). Мазкур қарорда Математика туркумидаги фанларни ўқитишга доир кўйидаги энг зарурӣ муаммолар кўрсатиб ўтилган:

биринчидан, математика таълимотининг таълим олиш босқичлари ўртасидаги узвийлик тўлиқ таъминланмаган; шу жиҳатдан умумий ўрта таълим

мактабларида Геометрия фанини ўқитишида узвийликни таъминлаш тақозо этилади;

иккинчидан, умумий ўрта таълим мактабларида Математика дарслклари ўқувчиларнинг ёшига нисбатан фанни ўзлаштиришни қийинлаштирувчи мураккаб масалалардан иборат ва бошқа фанларда ўтиладиган мавзулар билан уйғунлаштирилмаган; шу маънода 10-11 синфларда ўқитирадиган Геометрия фанининг ўкув материалларини ўқувчиларнинг ёшига нисбатан мос равишида ишлаб чиқиш ва мавзуларнинг ўзга фанлардаги (алгебра, анализ ва х.к.) турдошлиши билан уйғунлаштирилиши максадга мувофиқ бўлади;

учинчидан, математикага кизикувчан, халқаро олимпиадалар ғолиблари бўлган аксарият иқтидорли ёшларимиз худудлардан бўлишига қарамасдан уларнинг келгуси ривожланиши учун олий таълим ва илм-фан соҳасида зарур шарт-шароит яратиб берилмаган; шу сабабли мамлакатимизнинг ҳар бир туман ва шаҳарларида ташкил этилган Математика чукурлаштирилиб ўтиловчи умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари орасидан Геометрия фани бўйича иқтидорларини аниқлаш ва уларни маҳаллий олий таълим муассасалари ўқитувчилари билан ҳамкорлигини йўлга кўйиш долзарб бўлиб туриди;

тўртингчидан, математика соҳасидаги илмий-тадқиқотнинг амалиёт ва ишлаб чиқариш билан боғлиқлиги заифлигича қолмоқда; бу хол Геометрия фани бўйича амалга ошириладиган назарий-методологик илмий-тадқиқотларни амалиёт ва ишлаб чиқариш билан узвий боғлашни зарурият килиб кўяди, бу борада бошланган ишларни чукурлаштириш тақозо этилади;

бешинчидан, соҳадаги олимларнинг хорижий илмий ва таълим муассасалари билан алоқалари миллий математикани жаҳон миқёсига олиб чиқиш, халқаро ҳамжамиятдаги нуфузини ошириш учун старли эмас; бу муаммо доирасида Геометрия фани бўйича ҳам долзарб масаллаар мавжуд бўлиб, унга кўра, ушбу фан бўйича халқаро алоқаларни кучайтириш ва миллий тадқиқотчиликнинг ютуқларини тарғибот этиш тақозо этилади.

Эътибор берилса, қарорда белгиланган муаммолар ва вазифалар бевосита Геометрия фани ва уни умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиши билан ҳам боғлиқдир. Бу масалада айниқса, 10-11 синфларда Геометрия фанини ўқитиши методикасини тубдан ўзлаштириш тақозо этилади.

Таъкидланган дастур асосида умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишининг месъёрий факторларини идрок этиш ва бу факторларга асосан талаб даражасидаги ўқитиши жараёнини ташкил этишининг йўналишларини белгилаб олиш мумкин. Шу жихатдан бундай йўналишларнинг асосийларини бизнингча, қуйидагилар ташкил этади:

туман ва шаҳарларда ташкил этилган Математика фани чукурлаштириб ўтиловчи мактаблarda Геометрия фанини ўқитиши бўйича маҳсус гурухлар ва курслар ташкил этиши;

бундай таълим муассасаларини таникли мутахассислар ва ўқитувчilar таъминлаш;

мазкур ўкув жараёнини янги авлод дастурлари, ўкув адабиётлари ва дарслклари билан таъминлаш;

иктидорли ўқувчиларни кўллаб-куватлаш.

Буларнинг барчаси жойларда Геометрия фанини ўқитиши методикасини ва унинг месъёрий факторларини кутилган даражада янгилаб бориш имконини беради.

Шу сабабли умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитиши методикасини замонавий талаблар даражасида такомиллаштириш долзарб

хисобланади. Бу ўринда эътиборингизни ана шу масаланинг месъёрий факторлари таҳлилиги тортамиз.

Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишининг месъёрий факторлари деганда қуйидагилар назарда тутилади:

мазкур фанни ўқитиши бўйича давлат таълим стандартлари ва малака талаблари, ўкув режа, дастур ва дарслклари;

ушбу фанни ўқитишининг анъанавий ва ноанъанавий методлари ҳамда технологиялари;

бу фанни ўқитиши методикасини ривожлантириш бўйича миллий ва халқаро илмий-тадқиқотчилик тажрибалари;

фанни ўқитиши бўйича тажрибали ўқитувчиларнинг индивидуал методлари.

Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитиши бўйича янги давлат таълим стандартлари ва малака талаблари халқаро таълим дастурлари ҳамда стандартлари даражасида ишлаб чиқилмоқда[3]. Бу борадаги тасдиқланган месъёрий хужжатларнинг 2022-2023 ўкув ўйидан амалга киритилиши мўлжалланган. Айни пайтда, Математика туркумидаги фанларни ўқитиши бўйича давлат таълим стандартлари ва малака талабларининг 2017 йили киритилган янги таҳрирдаги хужжатлари ҳам амалда тўхтатилган.

Умуман Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 6 априлдаги 187-сонли ўзгартиришлар киритилган “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари” амалда бўлиб, унда Геометрия фанини ўқитиши бўйича қуйидаги мақсад ва вазифалар белгиланган:

таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясига амал килиш;

ўкувчиларга фан бўйича минимал назарий билим, амалий кўнікма ва умумий компетенция бериш;

таълим ва унинг пировард натижалари, ўкувчиларнинг малака талабларини эгаллаганлик даражасини тизимли баҳолаш;

давлат таълим стандартлари талабларининг фанни ўқитиши бўйича таълим сифатига қўйиладиган коидаларни ҳалқаро таълим талабларига мувофиқлаштириб бориш.

Бу мақсад ва вазифалар асосида умумий ўрта таълим мактаблари 10-11 синфларда Геометрия фанини ўқитиши амалга оширилаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Эътибор берилса, бу мақсад ва вазифалар негизида фанни ўқитишида янгича асосларга асосланиш мавжуд.

Айни пайтда, ушбу хужжатда Геометрия фанини ўқитишида қуйидаги тамойилларга катъий асосланиш ҳам белгилаб қўйилган:

ўкувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва кизиқишилари устуворлиги;

умумий ўрта таълим мазмунининг инсонпарварлиги;

давлат таълим с тандартининг таълим соҳасидаги давлат ва жамият талабларига ҳамда шахс эҳтиёжига мослиги;

умумий ўрта таълимнинг бошқа таълим турлари ва босқичлари билан узлуксизлиги ва таълим мазмунининг узвийлиги;

умумий ўрта таълим мазмунининг республикадаги барча ҳудудларда бирлиги ва яхлитлиги ва х.к.

Буларнинг барчаси 10-11 синфларда Геометрия фанини ўқитишида амалиётда кўлланилиши керак. Шу сабабли мазкур синфларда Геометрия фанини ўқитишида қуйидагиларга эътибор бериш зарурият хисобланади:

фанни ўқитишининг мазмуни, шакли, воситалари ва усусларини танлашда инновацион технологияларга асосланиш;

ўкувчиларда фанни ўрганиш ва таълим олишни давом эттириш учун умумий компетенцияларни ривожлантириш;

ривожланган хорижий мамлакатларнинг фан соҳаси бўйича меъёларни белгилаш тажрибасидан миллий хусусиятларни хисобга олган ҳолда фойдаланиш.

Бундай ёндашув 10-11 синфларда Геометрия фанини ўқитишида янгича асосларга таянишга олиб келади. Шу жиҳатдан бизнинг фикримизча, 10-11 синфлар Математика туркумидаги ўкув фанлари, жумладан, Геометрия фани бўйича янги давлат таълим стандартлари ва малака талабларини ишлаб чикишда кўйидаги икки мухим хужжатга асосланиш мақсадга мувофиқ бўлади:

а) Ўзбекистон Республикаси Миллий малакалар рамкаси. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 майдаги 287-сонли карори билан тасдиқланган мазкур хужжатда малакалар рамкаси (катъий доираси) белгилаб кўйилган. Шу жиҳатдан умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитиши бўйича давлат таълим стандартлари ва малака талабларининг янгисини яратишда ушбу малка талаблари рамкасида белгилаб кўйилган кўйидагиларга асосланиш кутилган самарани беради:

1) билимлар мажмумини бериш:

- тақдим этилаётган маълумот ва ахборотларнинг хаққонийлиги;

- тақдим этилаётган билимларнинг инновацияйлиги;

- назарий ва амалий билимларнинг ўйгунилиги.

2) маҳорат ва кўнімалар:

- касб вазифаларини бажаришнинг кўп вариантга эгалиги ва уларнинг амалиёт билан боғлиқлиги;

- муайян фан бўйича ноаниқлик ва мураккабликнинг мунтазам бартараф этиб борилиши.

3) компетенциялар:

- мустақил ижро интизомига эга бўлиш;

- ўз билими ва кўнімаларини амалиётда кўллай олиш;

- кўнімка ва малакаларни шакллантириша замонавий ёндашувларга асосланиши.

Эътибор берилса, мазкур кўрсатмалар янгидан шакллантириладиган умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитиши бўйича давлат таълим стандартлари ва малака талабларининг негизлари сифатида қабул қилиниши мумкин.

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини оишириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Карори. Мазкур қарорда Математика туркумидаги, жумладан, Геометрия фанини умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиши учун белгиланадиган давлат таълим стандартлари ва малака талаблари бўйича мухим вазифалар кўйилган. Уларнинг асосийлари кўйидагилардан иборат бўлиб, Геометрия фанини ўқитиши бўйича давлат таълим стандартлари ва малака талабларида акс этиши мақсадга мувофиқ бўлади:

- 10-11 синфларда Геометрия фанини ўқитишида мавзулар бўйича тўлиқ узвийликни таъминлаш;

- таълимнинг мазкур босқичида Геометрия фани бўйича бериладиган ўкув материалларининг ўкувчиларнинг қулий ўзлаштириши, қизиқиш билан муносабатда бўлиши ва мавзулар бўйича аниқ кўнімаларга эга бўлишига йўналтирилиши;

- мазкур фанини ўқитишида умумий ўрта таълим мактаби ва олий таълим муассасаси ҳамкорлиги механизmlарига таяниш;

- 10-11 синфларда Геометрия фани воситасида ўзлаштириладиган билим, кўнімка ва малака компетенциялари кўламини аниқ белгалаб кўйиш;

- ушбу фан бўйича ўкувчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини баҳолашнинг мутлако янги тизимини ишлаб чиқиши.

Буларнинг барчаси Геометрия фани бўйича ишлаб чиқиладиган янги асосдаги давлат таълим стандартлари ва малака талабларини ҳалқаро таълим дастурлари талаблари асосида яратиш имконини беради.

2. Умумий ўрта таълим мактабларида, жумладан, 10-11 синфларда геометрия фанини ўқитишининг ўзига хос анъанавий ва ноанъанавий методлари ҳамда технологияларига амал қилиш жорий этилган. Бунда бугунлиги кунда қуидаги анъанавий методлар устувор эканлиги кўзга ташланади:

тушунтириш;

ўргатиш;

йўналтириш;

баҳолаш.

Геометрия фанини ўқитишининг бу анъанавий методлари тажрибадан ўтганлиги билан мухим ахамиятга эга.

Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишида ноанъанавий методларга асосланиш ҳам таркиб топган. Бундай ноанъанавий методларнинг асосийлари кўйидагилардан иборат:

ўқитишининг техник воситаларига таяниш;

ўқитишининг мустақил таълим методига устувор даражада ахамият бериси;

ўкувчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини мониторинг килиб бориси;

ўкувчиларнинг билимини ўкув-техник жиҳозлар воситасида баҳолаш.

Бу ноанъанавий методлар Геометрия фани ўкув режа ва дастурларида назарда тутилган билим ҳамда амалий кўнімаларда ўкувчиларда кутилган даражада берисига асос бўлмоқда.

Геометрия фанини умумий ўрта таълим мактабларида ўқитишининг амалдаги ўзига хос технологиялари ҳам мавжуд. Бундай технологияларнинг асосийлари кўйидагилардир:

ўқитишининг Кейс стади технологияси;

ўқитишининг ривожлантирувчи таълим технологияси;

ўқитишининг техник имкониятлар технологияси;

ўқитишининг эмперик технологияси.

Мазкур ўқитиши технологиялари умумий ўрта таълим мактабларида, жумладан, таълимнинг тўлиқ босқичи бўлган 10-11 синфларда Геометрия фанини бугунги кун талаблари асосида ўқитиши имконини бераётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Эътибор берилса, Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишининг ўзига хос давлат таълим стандартлари ва малака талаблари, ўкув режалари, дастурлари, дарслклари, ўқитишининг анъанавий ва ноанъанавий методлари ҳамда технологиялари амалда кўлланилиб келинмоқда. Айни пайтда, мазкур фанни умумий ўрта таълим мактабларида, айниқса, 10-11 синфларда ўқитиши методикасини замонавий талаблар асосида ривожлантириш зарурият бўлиб турибди. Бу зарурият кўйидагилар билан белгиланади:

Геометрия фанини ўқитиши методикасини янгилаш бориси ва ривожлантириш асосларини ишлаб чиқиши;

мазкур фан бўйича ўкувчиларнинг қизиқишларини кучайтириш, бу борадаги уларнинг лаёкат ва қобилияtlарини ривожлантириш;

ушбу фан бўйича ўкувчиларнинг ҳалқаро фан олимпиадаларида иштироқини кучайтириш ва бунинг учун фанни инновацион ёндашувлар асосида ўқитиши йўлга кўйиш;

қобилиятли ўкувчилардан келгусида Геометрия фани бўйича истеъодли мутахассислар тайёрлаш селекциясини амалга ошириш.

Бу заруритлар умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитиш методикасини ривожлантиришда мақсадли ёндашиш учун асос бўлади. Шу сабабли бу борада қўйидагиларга эътибор бериш кутилган самарани беради:

Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитиш методикасини ривожлантириш бўйича миллий ва ҳалқаро илмий-тадқиқотчилик тажрибалари хам мавжуд. Бунда умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитиш методикасини ривожлантириш бўйича қўйидаги миллий илмий-тадқиқотчилик тажрибаларидан фойдаланиш имкониятлари борлигини таъкидлаш жоиз:

Геометрия фани ва уни ўқитиш методологияси бўйича амалга оширилган илмий-назарий хамда амалий тадқиқотларнинг хуносаларидан фойдаланиш;

Геометрия фани бўйича тарихий-педагогик манбаларда тақдим этилган методологик тавсиялардан фойдаланиш (мисол учун, Абу Райхон Берунийнинг “Геодезия” асарida Геометрия фани асослари ва уни ўзлаштириш омиллари бўйича муҳим тавсиялар берилган);

ушбу фан бўйича амалга оширилаётган ихтиrolар ва қашфиётлардан фойдаланиш.

Фанни ўқитиш бўйича бу миллий илмий-тадқиқотчилик тажрибалари биз учун таълим-тарбия жараёнида муҳим аҳамиятга эга.

Геометрия фанини умумтаълим мактабларида ўқитиш бўйича ҳалқаро илмий-тадқиқотчилик тажрибаларидан хам фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундай ҳалқаро илмий-амалий тадқиқотчиликнинг энг муҳимлари қўйидагилардир:

Геометрия фанини ўқитишда ҳар бир таълим олувчига индивидуал ёндашишга доир илмий-тадқиқотлар тавсияларидан фойдаланиш;

фанини ўқитишда ишлаб чиқилган замонавий ва инновацион технологиялардан фойдаланиш;

хорижий мамлакатлар илмий ва таълим муассасаларида фаолият юритаётган илмий-амалий марказларнинг тажрибаларидан фойдаланиш.

Геометрия фанини ўқитишнинг бундай ҳалқаро илмий-тадқиқотчилик тажрибаларидан фойдаланиш мазкур фанни ўқитишнинг меъёрий факторларини идрок этишда муҳим ўрин тутади. Улар асосида фанни ўқитиш

методикасини ривожлантириш йўналишларини белгилаб олиш мумкин.

Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитиш бўйича мамлакатимизда амалий фаолиятдаги ўқитувчиларнинг ҳам ўзига хос индивидуал методлари мавжуд бўлиб, улар фанни ўқитиш методикасини ривожлантириш асосларини белгилашда амалий материаллар бўлиб хизмат қиласди. Бундай индивидуал методларга қўйидаги хусусиятлар хос:

фанни ўқитишда ҳар бир ўкувчи билан индивидуал ишлаш;

таълим жараёнида ўкувчиларнинг ушбу фан бўйича лаёқатларини аниклаб, улар билан гурухли тарзда ишлаш;

лаёқатли ўкувчиларга маҳсус топшириклар ва вазифалар бериш.

Бундан индивидуал тажрибалар амалий фаолиятдаги ўқитувчиларнинг йиллаб давом этган касбий фаолиятида таркиб топган. Шу сабабли бундай тажрибалар умумий ўрта таълим мактабларида, айниқса, 10-11 синфларда геометрия фанини ўқитиш методикасини амалий ривожлантириш асосларини белгилаб олишда таянч материал хисобланади.

Эътибор берилса, умумий ўрта таълим мактабларида геометрия фанини ўқитишнинг меъёрий факторлари ўзига хос хусусиятларга эгалиги билан диккатни торгади. Аввало бу факторлар асосида фанни ўқитиш муваффақиятли амалга оширилмоқда, колаверса, бу факторларнинг таҳлили фанни ўқитиш методикасини янгилаш ва ривожлантириш заруритини кўрсатади. Шу сабабли бизнинг ёндашувимизга кўра, бу борада маҳсус тадқиқот ишлари амалга оширилиши хамда фанни ўқитиш методикасини ривожлантиришнинг янгича методларини ишлаб чиқилиши тақозо этилади.

Хулоса ва тақлифлар: умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишнинг меъёрий факторлари миллий ва ҳалқаро таълим тажрибалари асосида ишлаб чиқилган. Шу сабабли мустақиллик йилларида мазкур фанни ўқитишнинг методологик асослари ривожланниб борганилигига дуч келамиз. Айни пайтда, умумий ўрта таълим мактабларида, жумладан, 10-11 синфларда Геометрия фанини ўқитиш методикасини ахборот-коммуникацион воситаларга асосланган технологияларга таянган холда такомиллаштириш тақозо этилади. Бу борада методологик асосларни ишлаб чиқиши максадга мувофиқ хисобланади.

АДАБИЁТЛАР

- Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон-инсон кадри устувор бўлган жамият ва ҳалқпарвар давлатдир. // “XXI asr” газетаси 2021 йил 10 сентябрь сони
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. // www.ziyonet.uz.
- Шерматов Ш. Ҳалқ таълими: эврилиш ва юксалиш йўли. // “Янги Ўзбекистон” газетаси 2021 йил 30 сентябрь сони